



**“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг  
Коррупцияга қарши назорат  
ДЕПАРТАМЕНТИ**

ISO 37001:2016 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ  
Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари

Ўқув мақсадларида фойдаланиш учун  
Тошкент-2024

**“Микрокредитбанк” АТБ Бошқарув раисининг  
Коррупция ҳолатларини олдини олиш ва бу борада тизимли курашиш  
юзасидан йўллаган**

**МУРОЖААТИ**

**Ҳурматли мижозлар, ҳамкорлар, акциядорлар ва ҳамкасблар!**

Микрокредитбанк тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган барча зарурий чораларни кўриш, уларни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича самарали тизим яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан,

- коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилиб, уларнинг ваколат ва ҳуқуқлари, шунингдек банкнинг бошқа бўлинмалари билан биргаликдаги ҳамкорлиги ички меъёрий ҳужжатлар билан аниқ белгилаб қўйилган;

- мавжуд бўш иш ўринларига номзодларни очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш амалиёти жорий этилган;

- банк эҳтиёжлари учун харидларини шаффоф тизим орқали амалга ошириш, ушбу жараёнда коррупциявий хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш амалиётлари жорий қилинган.

Шунингдек, банк фаолиятида коррупция ҳолатларини юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган кредитлаш амалиётлари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматларини рақамлаштириш орқали инсон омилини камайитириш энг устувор вазифа қилиб белгиланган.

Бунинг учун энг аввало банк кредит портфелидаги энг катта йўналиш - оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари шаффофлигини таъминлаш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида имтиёзли кредитларни “Oila kredit.uz” ягона электрон платформа орқали онлайн тартибда ажратиш, интеграциялашган электрон ахборот базалари қарз олувчиларни скоринг таҳлил қилиш йўлга қўйилди.

Банкнинг янги “MAVRID” номли мобил иловаси ишга туширилиб, чакана банк хизматлари тўлиқ рақамлаштирилмоқда, бунда жисмоний шахслар учун кредитлар, коммунал ва барча давлат хизматлари учун тўловларни онлайн ўтказиш, депозит операциялари ҳамда пластик

карточкалар орқали барча транзакцияларни амалга ошириш имконияти яратилган. Кичик бизнес субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг кредит олиш юзасидан мурожаатларини шаффоф кўриб чиқиш мақсадида алоҳида скоринг тизими жорий этилди. Мазкур скоринг тизими қарз олувчининг молиявий ҳолати, кредит тарихи, лойиҳани амалга ошириш истиқболларини

аниқ баҳолаш ҳамда кредит таваккалчилигини камайтириш имконини беради. Ушбу бизнес жараёнларнинг жорий этилиши, лойиҳаларни молиялаштириш тизимини самарали бошқариш, ортиқча аралашувлар ва коррупцияни олдини олиш, кредитлаш жараёнини шаффоф ва тезкор кўриб чиқилишига замин яратади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида 2020 йилда банкимизда Алоқа маркази ташкил этилган. Алоқа маркази фаолиятида жадал трансформация жараёнлари амалга оширилди. Жумладан, жорий йилда банкнинг Алоқа маркази томонидан мижозларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мурожаатларни тизимли қайта ишлаш бўйича янги “Jira” дастури жорий этилди.

Микрокредитбанкда коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш, коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Микрокредитбанк коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш бўйича ишларни самарали ташкил этишда Сизларнинг фаоллигиниз ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлайди.

Микрокредитбанкнинг бош офиси, унинг минтақавий филиалари ҳамда барча банк бўлинмалари ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига 2алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, банкнинг (55) 503-77-11 рақамли Ишонч телефони ёки ушбу алоқа каналлари: [телеграм бот: @mkbanticor\\_bot](https://t.me/mkbanticor_bot) ва расмий [веб-сайтwww.mkbank.uz](http://www.mkbank.uz) (Антикоррупция) бўлими орқали ўз мурожаатингизни йўллашингиз мумкин.

Мурожаатингиз қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади.

Ўз навбатида, Микрокредитбанкда меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар ва ходимни коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга ҳамда ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва холис бажаришга яна бир бор чақираман!!!

**Ҳурмат билан,**

**Бутаев Ориф Алибоевич**

**“Микрокредитбанк” АТБ Бошқаруви раиси**

## Департаментнинг ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини ижроси юзасидан, “Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши ички назорат тизими босқичма-босқич жорий этилиб, 2021 йилнинг апрел ойида марказий аппарат таркибида **10 та** штат бирлигидан иборат **Коррупцияга қарши назорат Департаменти ташкил этилди.**

Жумладан, Департамент **3 та** бўлимдан ташкил топган:

- Коррупция қарши хизмат текширувлар бўлими;
- Алоқа каналлари билан ишлаш ва текширувлар бўлими;
- Мониторинг ва ходимларини ўқитиш шўбаси.

Ҳозирги кунда, Департамент томонидан қонун ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, Банкда Коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали фаолият кўрсатиши юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан:

- “Делоитте & Тоуче” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан ҳамкорликда жаҳон тажриба ва амалиётлари тавсиялари асосида, Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ташкил этишга доир **ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш** ва амалиётга тадбиқ этилди;

- Банкнинг “ИСО 37001:2016 – Коррупцияга қарши бошқарув тизими – фойдаланиш бўйича талаб ва тавсиялар” сертификатини **олиш ишларини жорий йилда якунлаш масаласи “СЕРТ- ИНТЕРНАЦИОНАЛ” МЧЖ** билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

**Коррупцияга қарши назорат департаменти томонидан қўйидаги ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган:**

**1. “Микрокредитбанк” АТБнинг Коррупцияга қарши назорат департаменти тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Департаментнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, Департамент банкнинг бошқа бўлинмаларидан мустақиллигини таъминлаш усулларини, раҳбарият, шу жумладан банк Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари, Бошқаруви ҳамда бошқа бўлинмалари, филиаллари, агентлари ва субагентлари билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

**2. “Микрокредитбанк” АТБнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги СИЁСАТИ**

Мазкур Сиёсат банкнинг ички меъёрий ҳужжати бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича мақсад, вазифалар, “Микрокредитбанк” АТБда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш тартиби ва аниқ чора-тадбирларни белгилайди.

**3. “Микрокредитбанк” АТБда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва тартибга солиш тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, олдини олиш, аниқлаш ва баҳолаш, тартибга солиш ва ҳал этишнинг умумий тамойиллари, ёндашувлари ва асосий чора-тадбирларини белгилайди, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганда одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмларини ўз ичига олади.

**4. “Микрокредитбанк” АТБнинг совғалар, меҳмондўстлик белгилари, хайрия фаолияти ва ҳомийлик  
СИЁСАТИ**

Мазкур Сиёсат “Микрокредитбанк” АТБда эгаллаб турган лавозими ва мавқеидан қатъи назар барча ходимлар учун совғаларни қабул қилиш ва (ёки) бериш, меҳмондўстлик белгиларини ташкил қилиш ва (ёки) тақдим этиш учун бир хил талаблар ва қоидаларни белгилаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолияти учун умумий ёндашув ва талабларни шакллантиришни белгилайди.

**5. “Микрокредитбанк” АТБ тизимида ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома “Микрокредитбанк” АТБ тизимида ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва йўлланмаларни белгилаб беради.

Ушбу йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

**6. “Микрокредитбанк” АТБга ишга қабул қилишда номзодларни текшириш  
ЙЎРИҚНОМАСИ**

Мазкур Йўриқнома ишга қабул қилишда бошқарув ва молиявий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга бўйсунувчи ходимларни танлаш ва номзодларни текшириш тартибини белгилайди.

**7. “Микрокредитбанк” АТБнинг контрагентлар текширувини ўтказиш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур йўриқнома “Микрокредитбанк” АТБдаги харидларни амалга ошириш бўйича асосий талаблар, тартиб ва таомилларга асосланади, коррупция хавфини минималлаштириш мақсадида контрагентларни текшириш қоидалари ва усулларини, шунингдек контрагентларни комплекс текшириш ўтказиш механизмларини белгилайди.

**8. “Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича алоқа каналлари орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб банкдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, банк Бошқарувига ҳисобот тақдим этишни белгилайди.

**9. “Микрокредитбанк” АТБда коррупцияга қарши курашиш  
tizimining ҳолати тўғрисида ҳисобот бериш, ҳисоботларни  
тасдиқлаш ва ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги**

**Низом**

Мазкур Низом “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳисоботлар тузиш ва тақдим этиш (кейинги ўринларда – Ҳисобот) тартибини белгилайди.

**10. “Микрокредитбанк” АТБнинг коррупция хавфларини баҳолаш  
ва аниқлаш услуби тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

Мазкур Низом банкнинг ички меъёрий ҳужжати бўлиб, банк фаолиятидаги коррупция хавфларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

**11. “Микрокредитбанк” АТБнинг Коррупцияга қарши курашиш  
tizimining мониторинги ва назорати тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

Мазкур Низом “Микрокредитбанк” АТБнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатларнинг мониторинги ва назоратини амалга ошириш бўйича Банк томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларни белгилайди.

**12. “Микрокредитбанк” АТБда банк ходимлари учун коррупцияга  
қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги Регламент**

Мазкур Регламент Одоб-ахлоқ қоидалари ва Коррупцияга қарши курашиш тизими масалалари бўйича Бош офис, филиаллар ва таркибий бўлинмалар ходимларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги тавсия ва кўрсатмаларни белгилайди.

Мазкур Регламент коррупцияга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир этишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг коррупцияга қарши курашиш тизими масалалари бўйича бошқа ички ҳужжатларига амал қилишга қаратилган.

**13. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки ходимлари  
учун корпоратив  
одоб-ахлоқ Кодекси**

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки ходимлари учун корпоратив одоб-ахлоқ Кодекси (кейинги ўринларда - Кодекс) халқаро

ташкilotларнинг тавсияларини ва етакчи жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва ва Коррупцияга қарши курашиш тизими соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 12-сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3270-сонли Қарори ҳамда банкнинг ички меърий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Кодекс “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда - Банк) мақсадлари, вазифалари, қадриятлари, тамойиллари ва мажбуриятларини, шунингдек, ахлоқий меъёрларни сақлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати, Банкнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган Банк фаолияти ва ходимларининг хатти-ҳаракатлари стандартларини белгилайди.

Кодекс талабларига риоя қилиш, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, барча ходимлар учун мажбурийдир.

Мазкур Кодексда мустаҳкамланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг касбий фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ходимларнинг Банк даромадини ошириш истаги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, аммо бу мақсадга эришиш қонун талабларини бузилишига олиб келмаслиги ва Кодексда белгиланган ишбилармонлик ахлоқининг асосий меъёрларига зид бўлмаслиги керак.

#### **14. “Микрокредитбанк” АТБнинг одоб-ахлоқ Комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ**

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг одоб-ахлоқ Комиссияси тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) Коррупцияга қарши курашиш тизими соҳасидаги халқаро ташкilotлар ва етакчи жаҳон амалиётларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли фармони ва Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа меърий ҳужжатлар ҳамда “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом “Микрокредитбанк” АТБда Одоб-ахлоқ комиссиясини (кейинги ўринларда - Комиссия) шакллантириш, ташкил қилиш ва ишлаш

тартиби, шунингдек Комиссия қарорларини қабул қилиш ва ижро этишни белгилайди.

**15. “Микрокредитбанк” АТБнинг Коррупцияга оид  
ҳуқуқбузарликлар ва ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига нисбатан  
расмий текширувлар ўтказиш тўғрисидаги  
Низом**

“Микрокредитбанк” АТБнинг Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига нисбатан расмий текширувлар ўтказиш тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда — Низом) халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва Коррупцияга қарши курашиш тизими соҳасидаги дунёнинг етакчи амалиётлари, шу жумладан ИСО 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимлари–фойдаланиш бўйича талаб ва тавсиялар” халқаро стандарт талаблари ва тавсиялари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Коррупцияга қарши курашиш тизими соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарори ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом “Микрокредитбанк” АТБнинг (кейинги ўринларда-Банк) ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Банкнинг Коррупцияга қарши курашиш тизими соҳасидаги ички ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги юзасидан расмий текширувлар ўтказиш учун Банк ходимларига нисбатан қўлланилади.

**16. “Микрокредитбанк” АТБ тизимидаги Коррупция  
ҳақида хабар берган ёки уни олдини олишга кўмаклашган банк  
ходимларининг хавфсизлиги кафолатлари ва уларни рағбатлантириш  
ҳамда Коррупцияни олдини олишда сусткашликка ё‘л қўйган  
ходимларга нисбатан чоралар кўриш тўғрисидаги**

**ТАРТИБ**

“Микрокредитбанк” АТБ (кейинги ўринларда – Банк) тизимидаги Коррупция ҳақида хабар берган ёки уни олдини олишга кўмаклашган банк ходимларининг хавфсизлиги кафолатлари ва уларни рағбатлантириш ҳамда Коррупцияни олдини олишда сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан чоралар кўриш тўғрисидаги тартиб (кейинги ўринларда - Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йилнинг 31-

декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки Коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли Қарори ва “Микрокредитбанк” АТБнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Тартиб Банк тизимидаги Коррупция ҳақида хабар берган ёки уни олдини олишда кўмаклашган Банк ходимларини хавфсизлиги кафолатлари ва уларни рағбатлантириш ҳамда Коррупцияга қарши кураш тизимини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан чоралар кўриш тартибини белгилайди.

Мазкур Тартибнинг талаблари Банкнинг Кузатув Кенгаши аъзолари, Банк Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари, аффилланган шахслари, Коррупцияга қарши назорат департаменти (кейинги ўринларда-КҚНД) ходимлари ҳамда банк мижозлари ва контагентларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

## **17. Коррупцияга қарши назорат департаменти 2023-2025 йўл Харитаси**

“Микрокредитбанк” АТБда 2023-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тасдиқланган харита.

## **18. Коррупциявий Хавф-хатар харитаси**

Мазкур Хавф-хатар харитаси банк фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

**“Микрокредитбанк” АТБнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги СИЁСАТИ**да қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шarti билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти);

**бенефитциар мулкдор** — якуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс ёхуд манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

**пора (порахўрлик)** – бирор ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса ёки пул.

**алоқа канали** – “Микрокредитбанк” АТБ ходимларига, шунингдек, бошқа шахсларга фирибгарлик ва коррупция аломатлари ва ҳолатлари, ходимлар ва контрагентлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, талон-тарожлик ҳамда мулк ва активлардан ғайриқонуний фойдаланиш, “Микрокредитбанк” АТБда товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш тартиб-қоидаларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида хабар бериш имконини берувчи ташкилий чора-тадбирлар ва техник воситалар мажмуи;

**Коррупцияга қарши назорат департаменти (КҚНД)** – “Микрокредитбанк” АТБда Коррупцияга қарши назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган махсус бўлинма;

**мансабдор шахслар** – банкнинг мансабдор шахслари таркибига банк Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари ҳамда бошқа аъзолари, банкнинг бош бухгалтери, Амалиёт бошқармалари ва филиаллари раҳбарлари, шунингдек уларнинг бош бухгалтерлари киради;

**манфаатдор шахслар** – иштирокчилар, банк Бошқарув органларининг аъзолари, давлат ҳокимияти органлари, банк ходимлари, омонатчилари, банкнинг манфаатларига ёки қонуний талабларига риоя қилмаслик банк фаолияти барқарорлигига ёки ҳар қандай ҳолатларда банк ва кўрсатилган шахсларнинг манфаатлари тўқнашувига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа мижозлари ва контрагентлари;

**меҳмондўстлик белгилари** – кўнгилочар тадбирларга, кечки овқатларга, зиёфатларга, ижтимоий ёки спорт тадбирларига ва ҳоказоларга таклифномалар, доимий тижорат шартномасида кўзда тутилмаган потенциал ёки мавжуд мижоз ва контрагент учун саёҳат ва бошқа тегишли харажатларни тўлаш;

**мижоз** – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни (бундан буён матнда операция деб юритилади) амалга ошириш тўғрисида банк топшириқнома (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**контрагент** – банк шартномавий муносабатларга киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**совға** - олувчи учун фойдали бўлган ҳар қандай моддий ва номоддий қимматликлар, шу жумладан хизматлар, кредитлар, кредит кафилликлари,

кўчмас мулкдан фойдаланиш, иш таклифлари, харажатларни, қарзларни тўлаш ва бошқалар;

**комплекс текшириш тартиби (Due diligence)** - коррупция хавфининг табиати ва даражасини баҳолаш ва банкка махсус битимлар, лойиҳалар, фаолият турлари, контрагентлар ва ходимлар бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш имконини яратувчи жараён;

**коррупцияга қарши курашиш тизими (КҚКТ)** – амалдаги қонунчилиги ва банкнинг ички тартиб-қоидаларига мувофиқ, “Микрокредитбанк” АТБ ходимлари томонидан ўз фаолиятини юқори даражада касбий ва одоб-ахлоқ доирасида юритилишини таъминлаш бўйича коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**хизмат текширувлари** – банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва/ёки қонун ҳужжатларида белгиланган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва ахлоқий меъёрлар бўйича ички меъёрий ҳужжатлари талаблари бузилишининг фактлари, ҳолатлари, сабаблари ва шартларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи;

**ходим** – банк билан меҳнат муносабатларида бўлган ва бевосита меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажарадиган шахс, шунингдек шартнома бўйича агентликлар орқали ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома бўйича жалб қилинадиган бошқа шахслар;

**ИСО 37001:2016 Стандарти** – ИСО 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари - қўллаш бўйича талаб ва тавсиялар” Халқаро стандартининг талаб ва тавсиялари;

**коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар** – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 61-1, 193-1 ва 193-2 моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;

**коррупцияга оид жиноятлар** – Жиноят Кодекснинг 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 192-9 ва 192-10, 205, 209 – 214 моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар;

**манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**мажмуавий текшириш тартиби (Дуе дилигенсе)** — Коррупция хавфининг табиати ва даражасини баҳолаш ҳамда банкка махсус битимлар,

лойиҳалар, тадбирлар, контрагентлар ва ходимлар бўйича қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш жараёни;

**товламачилик, тамагирлик** – жабрланувчининг шахси ёки унга яқин шахсларга нисбатан зўравонлик таҳдиди остида бировнинг мол-мулкни ёки бошқа бировнинг мулкига бўлган ҳуқуқни беришни талаб қилиш, мулкий нафақа бериш ёки мулкий характердаги ҳаракатларни содир этиш, мулкка зарар етказиш ёки йўқ қилиш ёки улар сир сақламоқчи бўлган маълумотларни ошкор қилиш ёки жабрланувчининг мулкни ёки мулк ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган муҳит яратиш орқали ўзганинг мулки ёки мулк ҳуқуқини талаб қилиш;

**реестр** – Коррупцияга қарши курашиш тизими масалалари бўйича ўқитилган барча ходимлар ҳақида батафсил маълумотлар;

**коррупция хавфлар харитаси** – банк фаолиятида амалга ошириладиган вазифалар ва функциялар (жараёнлар), функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга ошириш учун масъул лавозим билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган коррупция хавфларнинг тавсифи ва даражасини ўз ичига олган ҳужжат, коррупция хавфларни бартараф этиш бўйича чоралари, қолдиқ коррупция хавфлари даражаси, бартараф этиш чораларини амалга ошириш учун масъул бўлган мансабдор шахслар кўрсатилган ҳужжат;

**коррупция хавфи** – ходимнинг ўз мансабидан ёки мансаб мавқеидан ўзининг шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф асослар ва шартлар асосида коррупция ҳаракатлар содир этиши эҳтимоли;

**қолдиқ хавф** – аниқланган коррупция хавфни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилганидан кейин қоладиган хавф;

**коррупция хавфни баҳолаш** – бу банк фаолиятини (вазифалари ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупция хавфларни аниқлаш ва ушбу хавфлар даражасини баҳолаш фаолияти;

**этика** – ўз моҳиятига кўра инсонга ташқаридан баҳо бериш, инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатишдир;

**одоб** – бу инсоннинг хулқ атвори, гўзал муомиласи, ҳалоллиги ва ўзини тоза покиза тутишлиги ҳамда инсонийлигидир;

**хулқ** – оила, жамоа, маҳалла-қуй миқёсида аҳамиятли бўлган хатти-ҳаракатларнинг мажмуи;

**ахлоқ** – инсон ва жамият ўртасидаги объектив аълоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муайян хулқ атвор, одоб, хатти-ҳаракатлар мажмуи.

“ахлоқ” сўзи арабчадан олинган бўлиб, инсоннинг муомила ва руҳий хусусиятлари мажмуини, феълини, табиатини англатадиган “хулқ” сўзининг кўплик шаклидир.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг коррупцияга қарши назорат ДЕПАРТАМЕНТИ**

ISO 37001:2016 ХАҚАРО СТАНДАРТИ  
Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари.  
Фойдаланиш бўйича ўқув қўлланма

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Коррупцияга қарши назорат департаменти, 2024-17.б.

**ЛОЙИҲА РАҲБАРИ:**

О.А.Бутаев

**ТУЗУВЧИЛАР:**

А.Тошпулатов, О.Сайфутдинов, Ф.Химматов, А.Хайруллаев, Р.Жураев

**“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Коррупцияга қарши назорат департаменти,  
2024 йил**

**Биз билан боғланиш:**

**Коррупцияга қарши назорат департаменти**

100096 Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14 уй, (71) 202-99-99 (1265-1266-1267)

**Алоқа каналлари:** *Ишонч телефони (55) 503-77-11,*  
*телеграм бот: @mkbanticor\_bot* ва расмий [веб-сайт](http://www.mkbank.uz)  
[www.mkbank.uz](http://www.mkbank.uz) (Антикоррупция) бўлими